



# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 23 сентябрь ● чоршанба ● № 40 (657) ● e-mail: info@press-iq.uz ● www.minjust.uz



«Обуна – 2010»

Газета ҳаммамизга етади.

Фақат обуна бўлса кифоя!

Нашр кўрсаткичи – 137

## Янги иншоот

### АДЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



#### “Бахт уйи” – бахт маскани

Андижон шаҳрида қуриб фойдаланишга топширилган “Бахт уйи” ҳам шаҳарга кўрк бағишлади.



УШБУ БАХТ маскани қурилиши ўтган йили бошланган эди. Андижоннинг кўзга кўринган ташкилотларидан саналмиш

шароитлар яратилган, алоҳида хоналар ажратилган. Бино атрофи ҳам ўзига хос тарзда таъмирланиб, бунёд



“Транс таъмирлаш” кўп тармоқли ишлаб чиқариш савдо корхонаси ушбу муҳташам бинони муддатидан олдин — Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрамга тухфа сифатида фойдаланишга топширди. Бино оригинал режа асосида қурилиб, унга 1 миллиард 199 миллион сўм маблағ сарфланди.

этилган чиройли фавворалар, чаман хиёбон ва гулзорлар унинг чиройига чирой, кўрқига кўрк қўшиб турибди.

**Барнохон ШАҲЗОДАЕВА,**  
“Бахт уйи” ходими  
Суратларда: “Бахт уйи” кўринишлари

## ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗ



2009 йил — “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” йили

### Марказий сайлов комиссиясида журналистлар билан учрашув

МАРКАЗИЙ сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиниши муносабати билан хорижий ва маҳаллий журналистлар учун брифинг ўтказилди.

Сайлов ва сайловчи



УНДА МАРКАЗИЙ сайлов комиссияси аъзолари, хорижий ва маҳаллий оммавий ақборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломов журналистларга “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланиши эълон қилиш тўғрисида”-ги қарор қабул қилинганлиги ҳақида гапириб, ушбу қарорда қўзда тутилган асосий тадбирлар хусусида маълумот берди.

Брифинг иштирокчилари сўнгги пайтда қабул қилинган, сайлов тизimini янада эркинлаштиришга,



партиялараро рақобатни ривожлантиришга қаратилган сайлов қонунчилигининг янги нормалари билан таништирилди.

Жумладан, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган реал жараёнларни эътиборга олган ҳолда, қонун ижодкорлиги савиясини, партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг демократик янгилаштиришдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди.

Натижада қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақат сиёсий партиялар эга бўлди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни ҳамда одамлар саломатлигини яхшилаш учун курашиш масалаларининг ғоят муҳимлиги, яъни сиёсий қарашлари, шунингдек, мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан қатъи назар, уларнинг ҳал этилишидан

жамиятимизнинг барча қатламлари манфаатдор бўлган муаммоларни эътиборга олган ҳолда, янги қонунга кўра, 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Қонунчиликка сиёсий партияларнинг ваколатли вакили институти қўшилди, унга сайлов унасткаларида овозларни санаб чиқишда, имзо қўйишда ва ўқитиш бўйича фаолиятида ошқоралиқни кенг таъминлашга қаратилган нормалар киритилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси раиси брифинг иштирокчиларини бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилган ишлар билан таништирди.

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

## Беллашув

АДЛИЯ вазирлиги ташаббуси билан Қарши шаҳридаги Мулла Тўйчи Тошмуҳаммадов номи вилоят мусиқали драма театрида “Ҳуқуқ билимдонлари” республика беллашувининг худудлараро босқичи бўлиб ўтди.

### “Ҳуқуқ билимдонлари”

Ўз иқтидорларини намойиш этишди



БЕЛЛАШУВДА ҳуқуқ соҳасига ихтисослашмаган лицей ва коллеж ўқувчиларидан иборат Қашқадарё вилоятининг “Мусавват” ҳамда Сурхондарё вилоятининг “Адолат” гуруҳла-

чи идоралари, халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари ҳамда маҳаллий ва марказий ОАВ вакиллари иштирок этишди. Беллашув 3 та шарт асо-

**Темурбек ПОЁНОВ,**  
Нуристон академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси:

— Беллашув қизиқарли ўтди. Адлия вазирлиги томонидан бундай тадбирларнинг ўтказилиши биз ёшлар учун айни мудоао. Чунки тадбирга тайёрланиш жараёнида кўп нарсаларни ўргандик. Бу, албатта, бизга ҳаётимизда асқотди. Сурхондарёлик йигит-қизларга хурматим билади. Биз мактаб ва лицей ўқувчилари бўлсак ҳам бир оиладек бир-биримизни тушуниб ҳаракат қиладик.

ри ўзaro куч синашди. Уни ўтказишдан мақсад, мамлакатимиздаги лицей ҳамда коллеж ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш, янгиликларни бадиий чиқишларини намоиш этишди, иккинчи

**Комрон РАВШАНОВ,**  
Нуристон академик лицейининг 1-босқич ўқувчиси:

— Бундай қизиқарли тадбирда биринчи марта қатнашимиз. Албатта, ҳаяжонландим. Чунки беллашув иш-ҳаяжотда қизгин тус олди-да. Айниқса, савдо-жасово шартлари қизиқарли ўтди. Танлов ташкилотчиларига раҳмат айтаман.

уларнинг Конституция борасидаги билимларини мустаҳкамлаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини

шарта ҳар бир гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан махсус тайёрланган саволлар берилди. Учинчи



ўстириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда энг зукко ўқувчиларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришдан иборат.

Тадбирда Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Қашқадарё вилояти ва шаҳар ҳокимлиги, вилоят ҳуқуқий муҳофаза қилув-

шарта эса гуруҳлар томонидан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида тақлиф ва тавсиялар кўргазмили ҳамда саҳнавий кўринишдан иборат чиқишлар орқали намоиш этилди.

— Беллашувда голиблар Адлия вазирлигининг I ва II даражали дипломлари ҳамда қимматбаҳо совғалари, шунингдек, ҳуқуқий адабиётлар билан тақдирландилар.

**Ойдин АНОРОВА,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

## МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» ЭЪТИБОРИДА

### Пул жўнатмасини олдим...

### Неварамга аравача беришди

ТУРМУШ ўртоғим Жумабой Тожибоев Россияга шартнома асосида ишлаш учун кетганди. Шу йилнинг 6 август кuni “Золотая корона” пул жўнатиш компанияси орқали “Туронбанк”нинг Сирдарё вилояти филиалига 650 АҚШ доллари жўнатгани ҳақида хабар қилди. Сўнг мен банк кассирига учрашдим. У “эрингиз жўнатган 650 АҚШ долларининг ҳужжатлари келди. Аммо, маблагнинг ўзи ҳали банкимизга тушмади”, — деди.

Чорасиз қолгач, “Инсон ва қонун” газетасига мурожаат қилдим. Тахририят аралашувидан сўнг “Туронбанк”нинг Сирдарё филиалидан турмуш ўртоғим жўнатган 650 АҚШ долларини олдим. Бунинг учун “Инсон ва қонун” газетаси ижодий жамоасига миннатдорчилик билдираман.

**Раъно ТОЖИБОЕВА,**  
Оқолтин тумани, Фарғона қишлоғи,  
Ҳамза кўчаси, 22-уй, 2-хонадон

ҲАЁТ синовлардан иборат. Баъзан босингга бирон ташвиш тушса, Аллоҳ бундан ёмонидан асрасин, дейсан киши. Неварам Мадинахоннинг ногиронлиги оиламизни яна бир бор синовдан ўтказмоқда, десам хато қилмайман. Мадинахоннинг кўнгли олиш учун оиламиз аъзолари унинг атрофида доимо парвонамиз. Неварам учун ногиронлик аравачаси беришларини сўраб, бир қанча ташкилотга ариза ёзгандик. Лекин аризамиз ижобий ҳал бўлмади. Шундан сўнг “Инсон ва қонун” газетасига ёрдам сўраб, ариза ёзишга қарор қилдик. Тахририят аралашувидан сўнг туман ижтимоий-таъминот бўлимидагилар неварамга аравача беришди. Бунинг учун “Инсон ва қонун” газетаси тахририяти жамоасига оиламиз номидан миннатдорчилик билдираман.

**Ўрол НАЗАРОВ,**  
Жиззах тумани, Янгиобод кўчаси, 87-уй

#### Одам савдосига қарши курашиш

нафақат ҳуқуқий муҳофаза қилувчи идоралар, балки барча ташкилот ва муассасалар, кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаро олдидagi муҳим вазифалардан биридир

2

#### ИТ ИНСОНДАН АЗИЗМИДИ?..

Ёхуд бир ит туфайли Чирчиқ шаҳрида юз берган аялчи воқеа ҳақида



4

МИННАТДОРЧИЛИК

**ИНСОНИЯТ тарихи урушлар, турли офатларнинг таҳликали таҳдидларини кечиб ўтиб, тараққиётнинг глобаллашув даврида янада юксак чўққиларда турибди. Бир нарса аён, башарият ўз ўтмишида неки талафот кўрган ёки ривожланиш, тамаддун доволаридан ошган бўлса, бу барча воқеликларда инсоният турли қатламларининг хоҳиш-иродаси, мақсади, манфаати намойён бўлиб келган.**

**Д**УНЁ глобаллашувининг кенг қамровли имкониятлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг бекиёс қулайликлари бугунги жаҳон тараққиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётгани шубҳасиздир. Шу билан бирга бу имкониятлар турли ёлвур мақсадларни кўзлаган кимсаларнинг инсониятга қарши жиноий қилмишларининг кенг тус олиши, дунё бўйлаб тарқалишига ҳам восита бўлиб қолаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, жаҳон ҳамжамиятини жиддий таъшишлантираётган трансмиллий жиноятлар глобал муаммо сифатида ҳамон дунё халқларининг тинч-осойишта ҳаёт кечирishiга хавф солиб турибди.

Шу боис жаҳонда бу жиноятларга қарши ҳамкорликда курашиш қўлама тобора кенгаймоқда. Бинобарин, бу муҳим жиноятларнинг туб илдизи инсон ҳуқуқ ва эркинликларини топташ, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-қимматига таъовуз қилиш ва умуман ер юзи халқларининг ўз ватанида озод яшашдек ҳуқуқини поймол этишга қаратилган.

Хусусан, трансмиллий жиноятлар сирасига кирувчи одам савдосининг турли кўринишларидан дунёдаги барча мамлакатлар қайсидир даражада жабр кўраяпти. Бу эса ушбу глобал муаммони имкон қадар ҳал этиш, одам савдосига қарши курашишда халқаро миқёсда таъсир чораларини кучайтиришига таъовуз этишга қаратилган. Сўзларимизнинг қай нукталарида пайдо бўлиб, эндиликда газак олган бу иллат инсониятнинг оғрикли муаммосига айланди. Шу сабабли, ҳар бир давлат бу хавфдан ҳимояланишининг қатъий чораларини кўриши, шу йўналишдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, конвенцияларга қўшилиши ҳам ҳаётий, ҳам ижтимоий-сиёсий зарурат даражасига кўтарилади.

Ер юзиде кенг тус олиб улгурган бундай халқаро хавфга қарши ҳамкорликда курашиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шунинг таъкидлаш жоизки, миллий қонунчилигимизнинг одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олишга оид меъёрларини умумэтироф этилган халқаро ҳужжатларга мос келадиган. Бу аввало, мустақил мамлакатимизнинг Бош қомусида “**демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади**” деб қатъий мустаҳкамланганлигида ёрқин акс этади. Конституциямизга мувофиқ: “**Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарафдаги таъқиққа дучор этилиши мумкин эмас**”.

**И**стиқлол шарофати туфайли юртимиздаги ҳар бир инсон ўз қадр-қимматига муносиб таразда озод ва эркин яшаш, меҳнат қилиш, ўз меҳнати натижаларидан манфаатдор бўлиш, барча ҳуқуқ ва эркинликларидан дахлсиз равишда фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Мамлакатимизда трансмиллий жиноятлар, жумладан, одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш юзасидан қўрилган кенг қамровли чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий асосларда ҳам ана шу мустаҳкам тамойилларнинг амалий ифодалари мавжуд.

Шу ўринда 2008 йил 8 июлда Ўзбекистон Республикасининг “**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг трансмиллий ушган жиноятчиликка қарши конвенциясини**” (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги **Протоколини ратификация қилиш тўғрисида**”ги Қонун қабул қилинганлигини алоҳида қайд этмоқчимиз.

Энг муҳими, бу йўналишда ҳаётга изчил татбиқ этилаётган қонуний ҳужжатлар, бир қатор дастур ва рёжаларга назар ташлаб, ҳуқуқимизни мамлакатимизда истиқомат қилаётган бирор инсон бу муҳим жиноятнинг қурбонига айланиб қолмаслиги учун жуда қатъий ва

нинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати, Хотин-қизлар кўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, “Маҳалла” жамғармаси, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Ижтимоий фикр” жамоатчилиги маркази олдига қўйилган аниқ вазифалар ижроси изчил таъминланмоқда. Республика идоралараро комиссия таркибиде Адлия вазирлиги зиммасига ҳам шу йўналишда кенг қўламли тарғибот ишларини самарали таразда амалга ошириш масъулияти юклатилган.

Булардан кўриниб турибдики, бу ўта долзарб, муҳим иш барча ташкилот ва муассасалар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза

шунтириш юзасидан жами 2285 мартаба тарғибот тадбирлари ўтказилган. Ушбу тадбирларда одам савдосининг трансмиллий жиноятларнинг бошқа турлари билан боғлиқ жиҳатлари ҳам назардан четда қолмапти. Шу ўринда тарғиботнинг энг таъсирчан воситаси бўлган марказий ва маҳаллий ОАВ имкониятларидан умумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётганлигини эътироф этиш жоиз. Миллионлаб томишабилларни жамлаган телевидение, радио, кўн сонли муҳлисиз эга бўлган газега ва журналлардаги кўплаб чиқишлар аҳолини беварқ қолдирмапти, деб ўйлаймиз. Бу аҳолининг мулоҳазалари ҳамда фуқаролар қилаётган муножотларда ҳам ўз ифодасини топапти. Оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда фуқароларни оғоликка ундаб, турли мақсадлар-

бир тадбирнинг қўтилган натижаларини беришини таъминлаш устида жиддий ўйлаб, масалага ана шу масъуллик ҳисси билан ёндашмоқдалар.

**Т**аассуфки, халқаро ушган жиноий гуруҳларнинг яширин иқтисодий даромад манбаига айланиб, миллион-миллион болалар, айниқса, ёш хотин-қизлар ҳаётига, соғлиги, кадр-қимматига зомин бўлаётган бу муҳим жиноят кўринишлари Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти. Унинг ҳар қандай кўриниши ҳеч бир фуқаронинг эртанги тақдирига, дахлсиз ҳуқуқлари, тинч ҳаётга жиддий таҳдид солишини унутмаслик лозим, бу иллатнинг тизгини тарқалишига асло йўл қўйиб бўлмади.

Ҳаётий таҳлиллар шунини кўрсатадики, бу чиркин жиноят билан шуғулланувчи кимсалар айрим айрим шохона қўлайликлар, мўмай пул топишининг чеқсиз имкониятлари ҳақида қуруқ ва ёлгон ваъдалар бериб, алдаб, ноқонуний йўллар билан хорижий давлатларга олиб чиқиб кетиш орқали уларни ўз қабих жиноятлари қурбонига айлантирадилар. Ҳатто ўз юрдошлари, қариндошларини ҳам бу қабихлик домига илтиришдан тоймайдиганлар ҳам борлиги ҳар бир инсонни ҳушёр тортирмоғи шарт.

Ёшлар эртанги қўнимиз эгалари, бизнинг келгуси бахту иқболимиздир. Мухтарам Ўртабимиз “Юксак маънавият — энгилмас куч” асарига таъкидлаганидек, “**Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажак учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, йимон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлиғидир**”.

Яна шунини айтиш жоизки, мухтаassisларимиз тарғибот тадбирларида “**Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида**”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида”ги Қонунда белгиланган меъёрларни тушунтириш ҳам назарда тутилган. Жумладан, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ва бошқа шу каби қилмишларнинг ҳуқуқий оқибатларини, бундай ҳолатлар жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида батафсил маълумот бермоқдалар. Бинобарин, ўзлари таниммаган кимсаларга ҳаёлий бойлик илинжида эргашиб, боши берк кўчага кириб қолганлар улар томонидан мажбурий меҳнат ёки бошқа хизматлар, фахш билан шуғулланишига, эрқисиз ҳолатда, тутқунликда яшашга мажбур этилапти. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишдек муҳим қабихликларга дучор қилинапти. Инсонийлик қиёфасини буткул йўқотган, бу муҳимликларни содир этаётганлар баъзан ўз юрдошларимиз бўлиб чиқаётганлиги ниҳоятда таассуфланарли ҳолатдир.

**И**нсон яралибдики, хурлик, озодликка интилади. Ўз ҳаётини яхшилаш, орзу-мақсадларига эришиш, бахту иқболини аввало, ўз эрки, ҳуқуқ ва манфаатларининг мустаҳкам ҳимоясида кўради. Озодлик исрати нафақат инсон, балки табиатдаги ҳар бир мавжудотга тааллуғли бўлса, ажаб эмаски, оддий гнёхнинг нурга қараб талпинишида бунинг ифодасини кўргандек бўламиз. Инсон эса она замин гултоғи, унинг гуллаб-яшиланиши, ер юзиде ўз ҳаётининг давомийлигига масъулдир.

У ўз тарихида кўрган ва бошидан кечирган қўлиқ тушун-часининг ҳозирда бошқачароқ кўринишлари таҳдиди, хавфини сезиб, англаб турибди, бу жиноятдан жабр кўрапти. Жаҳон жамоатчилиги асримизнинг одам савдоси аталмиш глобал муаммоси қаршисида инсоният ақл-заковати, тарихий тафаккури, умуммиллий ҳамда миллий қадриятларини қалқон қилиб, бу муҳим жиноятга чек қўйиш учун жиддий курашмоқда.

Мустақил мамлакатимиз фуқароларини одам савдоси ва унинг салбий оқибатларидан асраш олий қадрият саналмиш инсон ҳуқуқ ва эркинликларини дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

**Раваш МУҲИТДИНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

## Ўқимиз тадбирлари

### Қизғин ўрганилмоқда

**“ЖАҲОН молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистондаги тараққиётга тўсиқ бўла олмайди!”**  
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Бобўрт туманидаги Аграрноат коллежида ўтказилган тадбир худди шундай номланди.

СЕМИНАР жонли мулоқот тарзида ўтди. Унда сўзга чиққанлар Ўртабшумизнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишни йўллари ва чоралари” асарига илгари сурилган долзарб фикрлар ҳақида кенг тўхтадилар ва китоб муролаасидан сўнг пайдо бўлган ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Йилгиланларга адлия бошқармаси томонидан Президентимиз китоби асосида тайёрланган буклетлар тарқатилди.

**Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

### Сайлов қонунчилиги

**АЙНИ** кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашилари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартибини тарғиб қилишга бағишланган семинарлар ўтказилмоқда. Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган ана шундай тадбирдан бири Қизилтепа туманидаги Аграрсервис касб-хунар коллежида бўлиб ўтди.

ЎЗИНИ-ЎЗИ бошқарши органлари вакиллари, мактаб, коллеж ва лицей директорлари иштирок этган семинарда мамлакатимизда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасидаги ўзгаришлар тўғрисида фикр билдирилди, босқичма-босқич амалга оширилиши шарт бўлган сайловолди тадбирларини ҳамда сайловга оид Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ҳамда илк бор сайловда иштирок этадиган ёшлар орасида кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги ўқтирилди.

**Маруся ХОСИЛОВА,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

### Ҳисса эътироф этилди

**ШАРТНОМА** ҳужжатларининг мукамаллиги қонунчиликда ва бўлгуси ютуқларнинг гарови ҳисобланади. Хоразм вилояти адлия тизими ходимлари ушбу омилга якунланган галла мавсумида алоҳида эътибор қаратади. Қишлоқда кечётган улкан бунёдкорлик жорёвларини тизим ходимларининг доимий назорати ва диққат-эътиборида бўлди.

ҒАЛЛА ҳосилини етиштириш ва тайёрлаш жараёнида қишлоқ тадбиркорлари билан тайёрлов ҳамда хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган жами 12 миң 363 та шартноманинг ҳаммаси атрофлича ўрганилди. 3823 та шартнома ҳужжати қонун талабларига мослаштирилди. 1000 га яқин шартнома ҳужжатларидаги қонунга зид ҳолатлар ҳам баргараф қилинди.

Давлат эҳтиёжлари учун галла етказиб бериш шартномавий мажбуриятлари ошириб бажарилиши муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда вилоят адлия бошқармаси ходимларининг бу соҳадаги улуши алоҳида қайд этилди. Бошқарма бўлим бошлиғи Фарҳод Эрнарзоров вилоят ҳокимининг қарорига биноан қимматбах соврнин — IG русумли телевизор билан тақдирлангани ушбу эътирофнинг ёрқин ифодаси бўлди.

**Абдулла СОБИРОВ,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

### Оила саводхонлиги мактаби

**Ў**қувчи-ёшларда катта қизиқиш уйғотаяпти **ЯҚИНДА** 1-Тошкент педагогика коллежида “Оила — муҳаббат қасри” мавзусида ўқув машғулотлари ўтказилди. Чилонзор тумани ФХД бўлимининг жамоатчилик асосидаги ёш оила қурувчилар мактабининг режасига мувофиқ ташкил этилган машғулотда ҳуқуқшунослар, тиббий ходимлари, олимларнинг мавзуга оид маърузалари тингланди.

ОИЛА саводхонлигини юксалтириш, ёшларнинг маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, тиббий билимларини ошириш, уларга ҳаётий сабоқлар бериш, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, халқимизнинг урф-одатлари ва миллий анъаналарининг, оиланинг жамиятга тутган ўрни, оила аъзолари ўртасидаги меҳр-оқибат борасида сўз борди ҳамда соҳага оид қонуний ҳужжатлар тарғиботига жиддий аҳамият қаратилди.

Тадбир сўнгиде ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

**Дилфуза ЭРҒАШЕВА,**  
“Инсон ва қонун” мухбири

### ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси Паркент туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Лавозимни учун қайта тавлоф эълон қилади;

Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси Чирочик туманидаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Лавозимни учун тавлоф эълон қилади;

Тавлофда қатнашиш учун қўйилган ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номиси аризи;
2. Паспорт нусخаси;
3. Бексизланган шаклда тўдирилган шахсий варақча;
4. Меҳнат дафтаридаги нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тасвиқнома;
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин ушбу мавзуда нотариус лавозимиде иш бошлагани тасдиқловчи маълумот қилини қайта таширишлари ҳақида маълум комиссиянинг қароридан қўчирилган.

Тавлоф ушунинг қасбий тайёрлашнинг таърифчилик бошқа ҳужжатларини ёхуд қириқтириш нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиш мумкин.

Тавлофда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой давоматида тегишли адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 253-84-30, 280-51-03.  
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-375) 223-01-62, 223-01-67, 223-01-76

Ўқидингизми?

# «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари» номли амалий қўлланма

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари томонидан «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий асослари» номли амалий қўлланма тайёрланди.

УШБУ қўлланмада Президентининг Ислам Каримов асарларидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид ҳолатлар ва фикр-мулоҳазалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид қўлланган асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли лугати, ҳокимлар фаолиятига оид қонун ҳужжатларининг схематик ифодаланиши ўз ифодасини топган.

Амалий қўлланма кириш, 6 бўлим, 11 бобдан иборат бўлиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатлари ифодаланган ваколатлари фойдаланувчи учун қулай бўлиши мақсадида йўналишларга ажратиб берилди.

Амалий қўлланманинг биринчи бўлими Юрбощимиз асарларида маҳаллий давлат ҳокимияти ва ҳокимлар фаолияти ҳақида билдирилган ҳолатлар, фикр-мулоҳазаларга бағишланган бўлиб, унда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш жараёнида вилоят, туман, шаҳар ҳокимликлари фаолиятини ташкил қилишга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳокимлар ва бошқа маҳаллий раҳбарларга қўйилган талаблар, ислохотларни амалга оши-

риш ва уларнинг натижасига масъул бўлган ҳокимлар фаолиятининг мезонлари, ҳокимларнинг асосий вазифалари, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концепциясини амалга оширишда айрим ваколатларнинг бо-сқичма-босқич равишда марказдан жойларга ўтиши бўйича стратегик вазифалар, фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожлантириш, инвестиция киритиш, иш ўринлари яратиш, айниқса, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва уларни бартараф эттириш бўйича ҳудудларда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар, жойлардаги корхоналари модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш бўйича маҳаллий органлар раҳбарларининг вазифалари ўрин олган.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ташкил этиш ва фаолиятига оид асосий ҳуқуқий ҳужжатлар қўлланманинг иккинчи бўлимида баён этилган.

Шунингдек, мазкур бўлимда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахсларнинг юридик жавобгарлиги масалаларига оид қонун ҳужжатларидан кўчирма-

лар ҳам келтирилган. Бу ҳам ўз навбатида мавзуга оид амалдаги қонун нормалари моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради.

Амалий қўлланмада маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятига оид асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли лугати берилган бўлиб, унда ҳокимликлар фаолиятида мунтазам қўлланадиган тушунчалар, масалан, ариза, аҳоли пунктлари, мажбурий тўловлар, ваколат, вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари, депутат мансабдор шахс, масъул мансабдор шахс, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари, маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари, ҳокимликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, мол-мулк, маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, маҳаллий бюджет, муниципал мулк, туман бўйсунувчидаги шаҳарлар, шаҳар, шаҳарчалар, ҳоким, ҳокимият, ҳокимлик, ҳуқуқ, қишлоқ, ҳокимият вакили, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши каби тушунчаларнинг изоҳи берилган.

Қўлланманинг бешинчи ва олтинчи бўлимларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид нормалар янада тушунчаларни қўлдан олиш ва бошқа мажбурий тўловлар, маҳаллий бюджет, муниципал мулк, туман бўйсунувчидаги шаҳарлар, шаҳар, шаҳарчалар, ҳоким, ҳокимият, ҳокимлик, ҳуқуқ, қишлоқ, ҳокимият вакили, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши каби тушунчаларнинг изоҳи берилган.

Қўлланманинг бешинчи ва олтинчи бўлимларида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига оид нормалар янада тушунчаларни қўлдан олиш ва бошқа мажбурий тўловлар, маҳаллий бюджет, муниципал мулк, туман бўйсунувчидаги шаҳарлар, шаҳар, шаҳарчалар, ҳоким, ҳокимият, ҳокимлик, ҳуқуқ, қишлоқ, ҳокимият вакили, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгаши каби тушунчаларнинг изоҳи берилган.



адабиётлар рўйхати ўрин олган.

Уйлашимизки, мазкур қўлланма маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбар-кадрлари, раҳбар-кадр захирасида бўлганларга, ҳокимлар фаолияти билан қизиқувчи кенг жамоатчиликка мамлакатимизда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини, бу соҳадаги қонун ҳужжатларининг тизимли тарзда ижросини таъминлашда муҳим манба сифатида хизмат қилади.

Мир-Афзал МИРОҚИЛОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Амалдаги қонун ҳужжатлари  
мониторинги институти  
Бош илмий ходими

ЭЛЕКТР энергияси барча соҳада муҳим ўрин тутди. Бу борада ҳўп ва кўп фикр билдириш мумкин. Бир зум электр энергияси бўлмаса, қанча бесаранжомлик бўлади. Рўзгорни-ку қўяверинг, ишхонада барча юмушлар тўхтайдди. Тўғриси, бугунги ҳаётимизни электр энергияси тасаввур қилолмаймиз. Ҳақини тўлашга келганда эса баъзан лоқайдлик қиламиз.

## Фойдаландингми? Ҳақини тўлаб қўй!

Истеъмол қилинган электр энергияси учун ҳақ тўлашни пайсалга солиш яхшиликка олиб келмайди

СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ҳам мuddатда тўланмаган электр энергияси ҳақини ўз вақтида ундириш борасида бир қанча ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 6 ойи давомида юридик шахслардан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини ундириш бўйича ҳудудий бошқарма ва унинг қўйи тизимларига 4 452 426,0 минг сўмлик ижро ҳужжатлари келиб тушди. Шундан 2 295 966,0 минг сўмлик ижро ҳужжатининг ижроси таъминланган, амалда қарздорлардан 1 497 782 минг сўм пул ундирилди.

Ушбу суммаларнинг аксарияти қарздорларнинг ҳисоб рақамларидан мажбурий ундириб олинган бўлса, айримлари қарздорларга тегишли бўлган мол-мулкларнинг сотувидан тушган маблағларни эвазига қопланди. Шунингдек, электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўламаган жисмоний шахслардан қарзларини ундириш бўйича икхобий натижаларга эришилмоқда. Уттан ярим йил давомида ҳудудий бошқарма ва унинг қўйи тизимларига жисмоний шахслардан истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини ундириш тўғри-

сидаги жами 201 616,2 минг сўмлик ижро ҳужжатлари келиб тушди. Қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли қарздорлардан жами 189 612,9 минг сўмлик ижро ҳужжати таъминланган бўлиб, шундан 88 205,6 минг сўмлик қарз ундириб олинган. Жумладан, вилоят ҳўжалик судининг 2009 йил 19 январдаги ижро ҳужжатида асосан қарздор «Тўямўйин — Урганч» МСКФБдан электр энергияси ҳақини ундириш бўйича қарздор томонидан ижро ҳужжатидаги 167 624,7 минг сўм икхобий равишда тўланмаганлиги сабабли қарзининг 144 886,5 минг сўми қарздорга тегишли мол-мулкларнинг сотувидан тушган маблағлари эвазига қопланди. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судининг 2009 йил 12 мартдаги ижро ҳужжатида асосан қарздор фуқаро М.Раҳимовдан 91 324 сўм истеъмол қилинган электр энергияси ҳақини ундириш бўйича қарз суд ижро-члари томонидан қарздорга тегишли мол-мулклар қонуний тартибда рўйхатга олинган, хатланган кейингина қарздор томонидан қопланишига эришилди.

Дилшод АБДУРАУФОВ,  
Суд департаментининг  
Хоразм вилояти ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи

## Агар қарздор бўлса...

республикадан четга чиқиши таққиланиши мумкин

МАЪЛУМКИ, жинорий ва фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг мажбурий ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органларининг суд ижро-члари зиммасига юклатилади.

ҲОЗИРГИ пайтда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш натижаси ўлароқ, ҳоҳ у фуқаролик иши бўлсин, ҳоҳ жинорий иш бўлсин, қарз ёки зарарни судга қадарли ёки суд мажлиси жараёнида икхобий тўлашса, улар учун жавобгарлик чораларини энгиллаштиришга қаратилган имтиёзлар берилди.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича олиб қарайдиган бўлса, иш томонларнинг келиши билан яқунлаштирилади ва бу фуқароларнинг вақтлари тежаллишига олиб келади. Жинорий ишлари бўйича эса етказилган зарар қопланган тақдирда айбдор жинорий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бундан ташқари, суд қарори ижроси икхобий таъминланиши билан мажбурий ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган ортиқча харажатлар ҳам тежаллишига олиб келади.

Фуқаролик судининг қарори бўйича берилган қарздор А.Лақаевдан ундирувчи Самарқанд шаҳар газ идораси фойдасига 221 500 сўм қарз ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича қарздор суд ижросини томонидан белгиланган беш кунлик икхобий мuddатда қарзини тўламаганлиги сабабли суд ижросининг қарори билан унга нисбатан МЖТКнинг 198-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима жазоси, бундан ташқари, ундирилиши лозим бўлган сумманинг бир фоизи — 2115 сўм миқдорига ижро йиғими ундириш тўғрисида қарор чиқарилиб, қарз суммаси, ушбу жарима ва ижро йиғимлари тўлиқ ундирилиб, ижро ҳужжатининг ижроси таъминланади.

Яна бир мисол. Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг қарздорлар Қ.Ҳолмиров ва бошқалардан ундирувчи Ш.Абдуллаев фойдасига Ургут тумани «Кегаас» маҳалласида жойлашган фельдшер-акушерлик биносини мажбурий олиб бериш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича қарздорнинг ўғли Л.Ҳолмиров ва ақян қариндошлари М.Бойматов, С.Қаршова ва Г.Ҳолмировлар гурўх бўлишиб, ушбу ижронини таъминлаш учун ўз хизмат вазифаларини бажараётган, Ургут тумани бўлими суд ижро-чиларининг ижро ҳара-

катларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатишиб, уларни ўз хизмат вазифаларини бажаришдан воз кечишга мажбур қилганликлари учун жинорий ишлари бўйича Ургут тумани судининг ҳўжмага қўра, улар Жинорий кодексининг 219-моддаси, 2-қисми билан айбли деб топилиб, Л.Ҳолмиров ва Г.Ҳолмировлардан асосан қарздорнинг тўлиқ тўламаса унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиши суд ижросининг қарори билан таққиланади.

Мисол учун, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг қарздор Ф.Зияевдан ундирувчи А.Сатторованинг фойдасига икхи нафар фарзандининг таъминоти учун унинг иш ҳақининг 1/3 қисми миқдорда алимент қарзларини тўлиқ тўлаб, ундирувчи билан келишганлиги сабабли ижро ҳужжати ундирувчининг аризасига асосан ундирувчи А.Сатторованинг қайтарилиб, ижро иши юритиш таъминланганлиги билан биргаликда, қарздорга нисбатан қўйилган чеклов ҳам олиб ташланади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки: Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да кўзда тутилган муҳим чоралардан бири қонун ҳужжатларининг таъминоти ҳақидаги қарорларнинг маъмул-моҳиятини кенг аҳолига етказиш ҳисобланади. Шу сабабли мазкур вазифанинг оқилона бажарилиши фуқароларнинг билим савияси ва ижро этиш масъулиятининг ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Норкул САФАРОВ,  
Суд департаментининг Самарқанд  
вилояти ҳудудий бошқармаси  
бошлиғи ўринбосари

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги нотариат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи Малака комиссиясининг 2009 йил 28 август кунги йиғилиши қарорига қўра, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Арзымбетова Замира Утамбетовна номига 1997 йил 25 август кунин берилган КР 000227 рақамли нотариат фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 3 ой мuddатга тўхтатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2009 йил 8 сентябрь кунги қарори ва бошқарма бошлиғининг 2009 йил 8 сентябрь кунги буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги «Сиеб» адвокати Умаров Бахтиёр Наимжонович 2009 йилнинг 21 август кунги вафот этганини муносабат билан унинг номига Самарқанд вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йилнинг 8 июнь кунин берилган SA 000044 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тўхтатилди.

Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 12-уй. Маълумот учун телефонлар: (8-366) 233-71-57, 233-13-59.

## Масъулиятсизлик ва лоқайдлик оқибатида 1926 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди

ИНСОН ҳаётда ҳамиша адолатнинг этагидан ушлаб яшашга интилади. Ноҳақликка дуч келсагина, қўлига қалам олиб қороз қоралайди. Ҳақиқатни қидиради.


Фуқаро И.Сафаров ҳам шундай қилди. У «Хайрабод пахта» ҲЖ раҳбарияти 300 минг сўм миқдорига ойлик иш ҳақи бермаётганлигиндан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига ариза ёзганди. Аризасини ўрганиш давомида, ҳақиқатан ҳам И.Сафаровнинг ойлик иш ҳақлари тўланмаганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан вилоят адлия бошқармасининг аралашувидан сўнг фуқаро И.Сафаровнинг ойлик иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди.

ЯНА БИР мисол юзасидан тўхталиб ўтмасак бўлмас. Фуқаро Р.Омоновнинг «Ангор Агромаш-лизинг» ММТПга лизинг асосида автомашина олиш учун олти миллион сўм пул тўлаганлиги, бироқ автомашинани олишда турли тўсиқларга учраётганлиги, шу сабабли «Ангор Агромаш-лизинг» ММТПдан тўлаган пуллари қайтариб олишда амалий ёрдам беришни сўраб, Адлия вазирлигига ёзган аризаси вилоят адлия бошқармаси томонидан ўрганиб чиқилди ва Р.Омоновга олдиндан тўлаган олти миллион сўм пули қайтарилиши таъминланди.

Уттан даврда бошқарманинг «Ишонч телефо-

ни»га қилинган мурожаатларнинг 18 таси бошқарманиннинг инсон ҳуқуқлари бўлимига келиб тушган бўлиб, мурожаатларнинг 13 таси қаноатлантирилди.

Жумладан, фуқаро А.Ядгаров вилоят адлия бошқармасининг «Ишонч телефони»га мурожаат қилиб, ДАТ «Халқ банки» Термиз шаҳар бўлимига чорвачиликни ривожлантириш учун кам таъминланган оилаларга бериладиган имтиёзли кредит ажратишни сўраб мурожаат қилганлигини, бироқ банк томонидан имтиёзли кредит ажратилмаётганлигини билдирган. Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан фуқаро А.Ядгаровга 700



## Никоҳ қайд этилгач... оила пойдевори мустаҳкамланади

НИКОҲ — оила мустаҳкамлигини таъминловчи асосий ришта, десак янглишмаймиз. Зеро, халқимиз азал-азалдан никоҳ маросимларини алоҳида тантана, шод-хуррамлик билан нишонлашга одатланган. Айтиш жоизки, жаҳон аҳлини илмий салоҳияти билан лол қолдирган Абу Наср Форобий ўзининг «Фозил одамлар шаҳри» асарига никоҳ ва тўғилиш алоҳида маҳкамаларда қайд этиш гоёсини олган сурган. Бу нафақат юрт равақига хизмат қилади, айни чоғда эр ва хотиннинг масъулиятини бир қарра оширади, дея таъкидлайди буюқ мутафаккир.

Дарҳақиқат, етук алломининг илгор гоёси туфайли никоҳ, тўғилиш ва оила масалалари жаҳон миқёсида ижтимоий-ҳуқуқий мазмун касб этди. Истиклол йилларида мамлакатимизда никоҳни қайд этишининг ҳуқуқий асоси тубдан таққимлаштирилди. Чунончи, Оила кодексининг II-бўлимида никоҳ масалалари ўзининг теран ифодасини топди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган мазкур бўлимда никоҳ тузиш икхобийлиги алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шунингдек, диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳнинг ҳуқуқий аҳамиятга эга эмаслиги Оила кодексининг 13-моддасида белгилаб қўйилганки, бунинг амалий исботини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Албат-

## Фаолият мезони

та, никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланган ҳам шахсининг жисмоний ва маънавий камолоти билан чамбарчас боғлиқ.

Эндиликда амалдаги қонунчилигимизга қиритилган яна бир ўзгариш тақсинга сазовордир. Аникроқ айтганда, никоҳдан ўтиш истаги билан ФХД бўлимига мурожаат қилган шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бетауб тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикнинг афзал-

лик жиҳатлари талайгина: аввало, никоҳланувчи шахслар ўзининг ва бўлажак умр йўлдошининг саломатлигидан тўла бохабар бўлади. Мабодо, уларда касаллик аломатлари аниқланса, тўйдан олдин саломатликларини тиклаш имкониятига эга бўладилар. Табиийки, никоҳланувчи шахсларнинг соғломлиги оилада соғлом фарзанд дунёга келишининг омилли саналади. Албатта, «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низом тиббий кўриқдан ўтказиш

жараёнини ҳуқуқий тартибга солишга хизмат қилмоқда. Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва тумна касалликларга чалинган болалар тўғилишининг олдини олишга қаратилган мазкур Низомнинг ижросини таъминлашга нафақат табиий муассасалари, шунингдек, ФХД бўлими ходимлари ҳам масъулдирлар.

Ҳа, никоҳни қайд этишнинг ҳуқуқий-норматив мезони яратилгани оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш баробарида эр ва хотиннинг оиладаги масъулиятларини янада оширади.

Зебинисо ФИЁСОВА,  
Пайриқ тумани  
2-сонли ФХД мудири



Шухрат НАЗАРОВ,  
Нодир МАМАДИЕВ,  
Сурхондарё вилояти  
адлия бошқармаси  
ходимлари

# Тоза туйғулар таронаси

АСЛИ касби ҳуқуқшунос бўлган Исма-тулло Йўлдошевнинг ўндан ортиқ шеър-ий тўпламлари ва қиссалари чоп этилган...

Китоб ва китобхон



Жинойят жазо муқаррар

ХАЁТДА бундай бўлиши мумкин эмасдек. Ишонгинг келмайди. Аммо, минг афсус ва надоматлар бўлсинки, шундай воқеа юз берган. Шу кеча-кундузда. Шундайгина ёни-мизда. Сиз билан биз юртимизда ҳуқуқий-демократик жамият қурашимиз деб, бир-биримизга оқибат, инсоф, қадр ва шунга ўхшаш инсоний туйғулар ҳақида сўзлаётганимиз-да. Мамлакатимизнинг Бош қонунини – Конституциямизнинг 25-моддасида “ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Хеч ким қонунга асосланмаган ҳолда бўйсиз олинсинг ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас”, деб белгилаб қўйилган бир пайтда...

БИРГИНА итни деб, бир эмас, икки эмас, тўрт нафар фуқарони роппа-роса ўн кун давомида айбдор қилиб қўйиб, калтаклаб, қинашган. Бир сўз билан айтганда, инсонийлик қиёфасини йўқотган бир гуруҳ жинойтчилар бир ит бахонасида ўз ҳамюртларининг ҳаётига таҳдид қилишган. Энг ачинарлиси шундаки, жинойтчилар ўз қора қилмишларини икки ишлар ходимлари кўмағида, янаям аниқроқ айтганда бундан ҳам кўра қўлларидан келган барча “хизмат”ларни “аяшмай-ларни “Белла”ни ўғирлашда айб-лаб, “қўлга олади”.

ХА, ҳа. Айнан “қўлга олади”! Худди хорижий фильмлардаги каби, “изқуварлар” “айбдор”ларни “GRAND SERVIS” МЧЖнинг бир пайтлар пайвандлаш чеҳи сифатида фойдаланиб келинган гараж-омборхонага “қамайди”лар. Бу ёғи...

Воқеанинг бу ёғи ҳам фильмлардаги каби давом этаверади. Ўзларини худди кинолардаги изқуварлардек тутаётган жинойт гуруҳ аъзолари айбдор “айбдор”ларни қилмаган гуноҳларини тан олишлари учун қўлларидан келган барча “хизмат”ларни “аяшмай-ларни “Белла”ни ўғирлашда айб-лаб, “қўлга олади”.

новларнинг “куни” тушади. Бу кундан “кутулиш”нинг йўли эса ягона, яъни ё қилмаган “айб”ларини тан олиш, ёки ҳақиқий “айбдор”ни топиб бериш эди. Албатта, бундай пайтда бирон-бир айб қилмаган бўлсан ҳам “айбдорман”, деб қутулишдан осони йўқ. Лекин, аслида ўзларни ўғирламаган “Белла”ни топишлари керак. “Белла” эса на осмонда, на ерда бор. Шундай экан, қийноқлардан вақтинча бўлса-да, қутулишнинг яна бирор йўлини кидириш лозим.

Алалоқибат “ўлимга маҳкум этилган уч маҳбус” келишиб, йўли-

риб келиб яна “итни топиб келтирилган” деб талаб қилгани, у “бу ерда бўлсак итни қаердан топамиз”, деб унга гаров сифатида ҳайдовчилик гувоҳнома-сини бериб, “қўйиб юбор, итингни топиб келамиз” деган-лигини, Р.Таджибеков шерик-ларига бўйнидаги занжирини ечишни буюрганлигини ва улар занжирини ечиб, Р.Таджибековнинг олдига тиз чўктириб, устидан челақда совуқ сув куйдиргани...

Шундан сўнг Р.Таджибеков М.Бойтўраев билан Ж.Бобо-новни “итни топиб келганинг” деб қўйиб юбориб, у билан Б.Алимуловни алоҳида гараж-ларга қамаб, “бугун ҳаётларингнинг охири кун, агар ит бугун ҳам топилмаса, кечаси ўлдириб, каналга ташлаб юборамиз...” деб айтгани” ҳақида кўрсатма беради.

Тўғриси, жабранувчиларнинг суд тергови давомида берган кўрсатмалари билан танишар экансиз, кўнглингизда “наҳотки,

уларнинг қариндош-уруғлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора-ларга мурожаат қилишди. Тўғри-роғи, мурожаат қилишга қўри-шади. Ушбу жинойт ишда ми-лиция ходимларининг иштироки жабранувчилар ва уларнинг қариндош-уруғларида “Р.Таджибеков шундай қучли одамки, унга ҳатто милиция ҳам хизмат қила-ди”, деган фикр шаклланишида ёрдам беради. Натижада Р.Таджибеков ва унинг “изқувар”лар гуруҳига қўлга келди, катта жа-ҳарда, ҳаммининг кўз ўнгига ши-ноят содир этиш имконияти яра-ти берилди. Энг ачинарли то-мони, давлат ҳалқининг тинчи-лигини муҳофаза қилишга ишо-ниб, эътига милиция мунди-ри, елкасига погон тақиб қўйган ИИБ ходимлари жиной-тчиларнинг қора қилмишлар-ига шерик бўлиб, уларнинг шафқатсизликларига ёрдам беришди...

Шу ўринда яна озгина орта қайтиб, воқеалар ривожига кўз югуртирсак, ўзларини “қўлга ту-шмас қасоскорлар”дек, ташбех би-лан айтаётган бўлсан, шаҳарнинг “эга”ларидек эркин тутаётган “из-қувар” гуруҳининг қай тарика-шош этилганига ғоҳ бўламиз.

Хуллас, “изқувар”лар гуруҳи ўз “маҳбус”ларининг “қатл вақти”ни белгилаб, уларга сўнгги имкони-ятини беради. Яъни М.Бойтўраев билан Ж.Бобононовлар 21 фев-раль куни кечгача “Белла”ни то-пиб келишлари керак. Унгача Б. Алимулов билан Н.Аҳмедов “гаров”да қолади. Агар кечгача ит топилмаса, уларни ўлдириб, жа-садларини қопга солиб, каналга оқизиб юборишади. Қочиб қо-лишга уриниш ёки ҳуқуқни му-ҳофаза қилувчи идораларга жа-бар бериш ҳам “кечирилмайди”.

Хуллас, вақтинчалик “озод” қи-линган М.Бойтўраев ва Ж.Бобо-ноновлар 2009 йил 21 февраль куни эрталаб соат 9.30 ларда Н.Аҳмедовнинг уйига келиб, унинг синглиси Ш.Н.Нармирзае-вага бўлган воқеаларни айтиб бе-ришади. Улар “агар бугун кечга-ча Н.Аҳмедовни қутқариб олиш-маса, уни ўлдириб юборишлар”ни ҳам таъкидлашади. Шундан сўнг Ш.Н. Нармирзаева бу жиной-т ҳақида ИИБга хабар беришди.

Лекин “вақтинчалик озод қилинган маҳбуслар” бунга йўл қўйишмайди. Улар Нармирзае-вага “Р.Таджибеков билан ИИБ хо-димлари бирга” эканлигини айт-ишади. Агар Нармирзаева ИИБ-га мурожаат қилса, ақасини қайта кўрсатилганини уқтиришади. Нои-лож қолган Нармирзаева Бўстон-лик туманида яшовчи опаси Т.Ташметовага хабар беради. Опаси Чирчиққа етиб келгач, опасининг Н.Аҳмедов ва Б.Алиму-ловлар сақланган гаражлар олди-га боришади. Бу ерда улар Б.Алимуловнинг келиноийси А.Калтаевани учратиб қолишади. Вазият билан танишиб, шуни аниқлашди, ит топилмаса, қариндошларини қутқариб бўл-майди. Шундан кейингина улар Чирчиқ шаҳар МХХга мурожаат қилишади...

Тўғри, Чирчиқ шаҳар МХХ хо-димларининг сай-ҳаракатлари билан жабранувчилар озод этил-ди. Жинойт иш жинойт ишлари бўйича Тошкент вилояти, Қийра-й тумани суди томонидан шу йил-нинг 20 июль куни қўриб чиқи-либ, жинойтчилар қилмишларига яраша жазо олиши. Энди улар умрларининг анча йилларини ўз-умрларидан узоқда, панжара ор-тида ўтказишади...

Бир қараганда, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетгандек. Жинойт содир этилди. Жинойт фош қи-линди. Жинойтчилар ўз қилмиш-ларига яраша жазо олиши.

Лекин танганин иккинчи то-мони ҳам борки, бу кишини ўй-лантириб қўяди.

Дейлик, Р.Таджибеков ва унинг ҳамтовоқлари қонунни би-лишмас экан, (ваҳоланки, Р.Тад-жибеков ҳам олий маълумотли) лекин олий маълумотли ИИБ хо-димлари С.Каримов ва А.Ҳақна-заровлар ҳам қонунни билишмас-миди? Қонунни билишса, нега бундай шафқатсиз жинойтчилар-га шерик бўлиб иришибди? Ахир, икки ишлар ходими мундирини қийган ҳар бир ходим ҳалқумиз-нинг тинчлигини, оқолини қийи-ни қўриқлашга хизмат қилиши керак эмасми?..

Афсуски, бу саволларга жа-воб топишнинг илоҳи йўқ.


Сўнгсиз ўрнида эса Бош Қону-нимиз – мамлакатимиз Конститу-циясининг 26-моддасини келти-риб ўтишни лозим топдик.

“...Ҳеч ким қийноққа соли-ниши, зуравонликка, шафқат-сиз ёки инсон қадр-қиммати-ни камситувчи бошқа тарзда-ги таъзияк дучор қилиниши мумкин эмас...”

Мамлакатимиз Бош қонунига битилган ушбу сўзларни унутти-га эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ислом ҲАМРО region.uz

# ИТ ИНСОНДАН АЗИЗМИДИ?..



Ёхуд бир ит туфайли Чирчиқ шаҳрида юз берган аянчли воқеа ҳақида

ди”. Аввалига ҳақоратлашади. Сўнг шафқатсизларча қийноқ усулларини қўллашади. Турли таёқ, аратура парчаси ва темир кувар бўлаги билан калтаклаша-ди. Агар худдан кетсалар, (қўв-чиларидан муздай сув қуйиб, йўв-чиларимиз воқеа февраль ойида содир бўлаётганини унутмаглар бўлсалар керак) ўзларига келти-ришади. Агар истасалар “ўлим жазоси” қўллашларини айтиб, таҳдид қилишади. Калтаклаб чар-чашгач, уларнинг оёқ-қўлларини итининг занжири билан боғлаб, қамаб қўйишади.

Албатта, Қ.Аннабаев ўз-ўзидан М.Бойтўраев ва Ж.Бобононов-ларни “айбламаётган” эди. Чунки “қимматбах” “Белла” йўқолган киши улар ит боғлик турган кўна-дан ўтишган ва итининг занжири-ни узиб, қочиб кетганини қўриш-ганди. Улар бор-йўғи беҳтиёр итининг қочиб кетганига гувоҳ бўлиб қолганлари учун “жазо” олишаётганди.

Жинойт гуруҳ аъзолари ўз “маҳ-бус”лари олдида ё итни ёки ше-рикларини топиб бериш шартини қўяди. Агар шартларини бажариш-маса, уларга “ўлим жазоси” таҳ-дид қилаётганини қайта-қайта таъ-кидлашдан чарчашмайди.

Уч кўнлик қийноқ ва ҳақорат-ларга чидаган М.Бойтўраев 14 фев-ралга келиб ҳолдан тояди ва жи-нойт гуруҳ аъзоларининг “талаб”-ини бажариб, ўз “шериги” Байма-хон Алимуловни “сотиб” қўяди. Ваҳоланки, Баймахон ҳам ўша кун-и мардикорчиликдан қайтаётиб, ше-риклари Муратбек ва Жаҳонгир-каби “Белла”нинг қочиб кетганига беҳиқтиёр гувоҳ бўлган эди.

Рустамбек ва унинг “команда-си” ўз ишларига шу даражада “ки-ришини худди ҳақиқий изқуварлар-дек тута бошлашади.

Муратбекнинг “ихтиёрий икромомасини” олган гуруҳ дар-ҳуд йўлга отланади. Баҳром Ад-ловнинг бошқарувида бўлган, дав-лат рақами 10 В 614 АА “Дамас” русумли автомашинага М.Бойтў-раевни зўрлик билан миндириб, (Ваҳоланки, бу кунга келиб М.Бойтўраевнинг қаршилик кўрса-тишга ҳам ҳоли қолмаган эди), Муратбекдан Б.Алимуловнинг я-шаш манзилини қўришгани тал-аб қилишади. Жисмоний азоб-ларга чидабмасдан, аллақачон “синган” М.Бойтўраев зуравонлар-нинг талабига сўзсиз бўйсунмиш-дан бошқа илоҳ топмайди.

Хуллас, Б.Алимуловнинг ҳам бошига айбсиз айбдор “шерик”-лари М.Бойтўраев ва Ж.Бобоно-

ни топишади. Яъни ўша, “Белла” йўқолган кунда ўзлари билан бир-га бўлган яна бир мардикор – Нар-имон Аҳмедовни ҳам “сотишади”.

Воқеалар ривожидан андакки-на олдинга ўтиб шуни айтиб қўйишимиз мумкинки, 2009 йил-нинг 11 февралда бошланган бу га-йриқонуний машамшаларга ора-дан роппа-роса 10 кун ўтиб, яъни 21 февраль куни Чирчиқ ша-ҳар МХХ ходимларининг ара-лашуви билан чек қўйилди.

Лекин бу машамшаларга чек қўйилгунга қадар юз берган яна бир қатор ҳолатлар борки, улар ҳақида тўхталмай ўтсак, бўлмас.

Суд тергови давомида “из-қувар”лар гуруҳи раҳбари Рустам-бек Таджибеков “Белла”нинг зо-ли ит эканлигини, уни харидор-чиққан пайтда 2.000.000.000.000 ҳам сотмаганини айтди. Ваҳоланки, ана шу икки миллион сўмлик ит учун шунчалик кун куйдираётган “мехрибон” инсон ўзлари қўлга олган, калтаклаб қинаган, ҳаёт-ларига ўлим билан таҳдид солган тўрт нафар фуқаро ҳам одам экан-лигини “унутиб” қўяди. Қийноқ давомида у ўз “маҳбус”ларига улардан кўра, “Белла” минг қар-ра кадрлироқ эканлигини бот-бот таъ-корлашдан чарчашмайди.

Шу ўринда жабранувчи Н.Аҳ-медовнинг суд тергови давомида берган кўрсатмасидан қасқаниб қўришар қўришар бўлиб, уқувчи-ларимиз ҳам Р.Таджибековнинг нақадар “олижаноб ва мехрибон” инсон эканига гувоҳ бўлишади.

“...19 февраль куни ишга кетаётган вақтида 3 киши ке-либ уни қўлидан ушлаб, “юр, гаражда галлашамиз” деб га-ражда олиб кетганини, уларнинг орасида милиция хо-дими А.Ҳақназаров ҳам бўлганини, гаражда кир-ганида у ерда М.Бойтўраев, Б.Алимулов ва Ж.Бобононов-лар ҳам борлигини қўрганли-ги, у гаражда кириши билан “ит қаерда”, деб уни олиб келган уч киши баданининг дуч келган жойига уриб таш-лаганини (Афсуски, бу ўринда ҳам ИИБ ходими А.Ҳақназаров ҳам жабранувчини жинойтчилар билан биргаликда калтаклаган), у худдан кетиб қолганлиги, ҳушига келганида бўйнига ит-нинг занжири боғлаб қўйил-ганини, занжирнинг бир учи эса бетонга боғланиб, темир қулф билан қулфлаб қўйилган-лиги...”

21 февраль куни эрталаб Р.Таджибеков ёнида икки на-фар шериги билан гаражга ки-

## Душманга сир айтмоқ жавоҳирларни, Лойқа ҳовузларга отмоқ кабидир.

ШАРҚДА рубоий жанри-нинг султони Умар Хайём-дир. Улуғ олмон шоири Йоханн Вольфганг Гёте: “Шарқда етти шоир борлигини биламан. Уларнинг энг заифи мендан кучли”, деганди. Ҳеч шубҳасиз, Гёте назарда тутган шарқ шоирларининг бири Хайём эканлигига шубҳа йўқ. Табиийки, рубоий жанрига қўл урган қалам-каш аввало Умар Хайём даҳосидан руҳланади. Буни шоирнинг ўзи ҳам:

Бу дунё неча бор эврилиб тўзди, Биров дунё йиғди, бирови тўзди. Рухимга Хайёмдан мадад сўрадим — Бир ҳовуч нур бўлиб қўлини чўзди, дея эътироф этади. Адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофутдинов шоирнинг ижоди ҳақида шундай деб ёзган эди.

“Шеърят — юракнинг гўзал манзараларидир. Улар ичида бир ҳовуч офтоб сингари дилларга ҳарорат берадиган, қисқа ва лўнда ифодада кўнгли кечинмаларини, ҳаёт қувонч-ташвишларини ўзда акс эттирувчи рубоий жанри юрак ганжинасидир. Қандай гўзал!... Шунинг учун Исмаатулло Йўлдошев шарқ-қлассикасига қайта-қайта мурожаат этади”

Инсон ақли муайян касбий маҳорат орқали топиб бўлмайдиган қилма-хилликларни талаб этади. Зеро, ижодий ишларни руҳий, аини дамада ақлий жараён. Ҳайрат эса фалсафанинг ибтидосидир. Қалби мусиқа ва шеърятга ошино оқил инсонларгина чинакам санъат қадрига етиб, ундан руҳий озиқ олади. Руҳий озуқа манбаи бўлиши санъат асарини имлдан йироқ бўлса, чиройли сўз ва оҳанглardan иборат риторикага айланади.

Ижодкорнинг ўрни аввало, ўзи яшаб турган даврда содир бўлаётган воқеаларга муносабати билан баҳоланади. Шоирнинг ушбу тўплами муштарийларга мақбул бўлади деган умиддамиз.

Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА, “Инсон ва қонун” муҳбири

“ЗАРАФШОН” нашриё-тида ўзбек ва рус тилла-рида чоп этилган “Умр сарҳадлари” (“Рубежи жизни”) рубоийлар ва тўртликлардан иборат тўпламдан ҳам сабоқ, ҳам завқ оласиз. Шоир кўпроқ ҳуқуқий мавзуларни шеър-га солади. Ҳуқуқ фалсафаси ҳар томонла-ма синтез қилиниб, тараннум этилади.

Биз яшаётганлигимиз учун эмас, ҳаётни англай олганимиз учун севамиз. Тафаккур инсон қалбидан макон қурган донишманд хилқат. Бу ўткинчи дунёда нечоғлик уринмасин, инсоннинг имконлари чекланган. Вужуд зиндо-нидаги руҳ аслида ҳақиқатни англашга қодир бўлса-да, мутлақ ҳақиқат ёлғиз Яратганга аён-дир.

Барчага бирдай ёқимли бўлиш истаги ожизлик белгиси. Шу ожизона хоҳишга хизмат қилувчи ўринсиз мақтов ҳам жозибали кўриниш-даги зулмдир.

“Одамзот ўзини тани-май қолмаслиги учун унга хотира берилган. Хотира бу — тарих. Тарихини унутган халқлар бамисо-ли, гўдаклик чоғларидакёқ ота-онасидан айрилган етимларга ўхшайди”, — дейди шоир бир рубоий-сининг тағмаёсида.

Шоир ижодида айни-ка, Ватан мавзуси алоҳи-да ўрин тутди. У аша-ган боғ-роғлар ифори, эмин-эркин, ўзлигини таниган ватандошлари-миз тимсолида она юртимизнинг бетакрор жамолини кўради. Бу ҳеч нарсасга алмаштириб бўлмайдиган тароватнинг умрбоқий ва бардавом бўлишини орзу қилади.

Исмаатулло Йўлдошев ижодида тўртликлар ўзига хос мавқега эга. Ҳаётимизда учрайдиган айрим воқеалар шоир руҳи равоинга таъсир этиб, қувваи ҳофизасида узоқ сайр этиб юрадио, сўнгра уларнинг айри-лари қисқа сатрларга сингишиб тўртликларга айланади. Агар, сатр-ларнинг бири пишиқ, бири мўрт бўлса шеър ва фикр “иморат”и қийшайиб, тоб ташлай-ди... Фақатгина, мантик сандонида етарли ишловдан чиққан ҳаёт ҳақиқатига мос сатрлар-гина эл озгига тушиб, мухлислар хотирасидан мустаҳкам жой олади.

Ким қандай сўз айтар унинг таъбири, Инсоннинг душмани, тили, лабидир.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси жамоаси бошқарма бошлигининг ўринбосари Гулсара Ис-хановага ақси

Йўлдош НОРМАТОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик бил-диради.

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Кўчкор НОРҚОБИЛ
ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдулхалил Абдураимович
Мустафаев Бўрихон Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдуқамол Шодиевич

Навбатчи: Ербек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАҒИПОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичида, 2 босма табоқ ҳақида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акадeмиясида босилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй, Буюкма Г-815. Тўричи — 13444. Босишга тоғқариш вақти — 21.00
Т — тижорат мақола.

Манзил: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
1 2 3 5